



Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Мухтарам фахрийлар!
Хурматли меҳмонлар!
Бугун жонажон Ватанимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 73 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ана шу қутлуг айём билан сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни билдираман.

Сиз, азизларни биз фашизмга қарши мардона курашган, буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, деб биламиз ва сизлар билан чексиз фахрланамиз.

Сизларнинг бугун орамизда мана шундай нуроний бўлиб, дуоғўй бўлиб юршларингиз биз учун, албатта, катта бахт, катта давлатдир.

Ҳаммамизга аёни, бу дунёда тинчлик ва омонлик, бахту саодат барқарор бўлиши учун инсон ўзини аямасдан кураш олиб бориши, фидокорона меҳнат қилиши керак. Сизларнинг юксак жасорат ва матонатингиз, бутун ҳаётингиз бунга яққол мисол бўла олади.

Бугун фашизмга қарши курашда халок бўлган минглаб ватандошларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат баҳо келтириш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бугун ҳаётимизга файз бағишлаб юрган муҳтарам фахрийларимиз олдида барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

Айни вақтда мустақил Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида халок бўлган жасур ҳарбийларимизнинг номларини ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз. Уларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик қўратиши ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!
Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли киргин бўлган эди. Бу уруш халқимиз бошига қандай огир азоб-қубат ва талафотлар, беҳисоб қурбонлар келтирилганини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Албатта, бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Руссатингиз билан, мен, тақдор бўлса ҳам, фақат баъзи мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёда фронтга сафарбар этилган. Бу ўша пайтдаги халқимизнинг 22 фоизини, меҳнатта яроқли аҳолининг эса 40-42 фоизини ташкил этарди.

Меҳрибон ота-онани, азиз фарзандлари, табаррук она юрт туپроғини ҳимоя қилишга отланган бу ботир инсонлар кечаю кундуз қон кечиб, Москвадан то Берлинга қадар бўлган оловли йўлларни қаҳрамонларча босиб ўтдилар.

Урушда Ўзбекистонлик жангчилардан 500 мингдан кўпроғи — фронтга сафарбар этилганларнинг ҳар учта-сидан бири халок бўлди, 60 мингдан ортиқ ҳамюртимиз ногирон бўлиб қолди.

Бу ёвуз уруш туфайли қанча-қанча оилалар ўз боқувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб қолди. Ўз жигарбандидан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидagi алам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиз.

Эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапира эканмиз, қуйидаги рақамларга алоҳида тўхталиб ўринли, деб ўйлайман. Урушда қатнашган 120 мингдан ортиқ Ўзбекистон фарзанди жанговар ордон ва медалларга сазовор бўлган. Уларнинг 280 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, 82 нафари эса учала даражадаги «Слава» ордени билан мукофотланган.

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтининг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди,

барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди.

Ўлкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат қилдилар.

Уруш даврида халқимиз томонидан фронтга 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғ, юзлаб ҳарбий-санитария поездлари, дала ошхоналари, палаткалар, жуда катта миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари тўплаган маблағлар ҳисобидан унлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди.

1941-1945 йилларда мамлакатимиз собиқ Иттифоқ миқёсидаги улкан госпиталга айланди. Бу ерда минг-минглаб жангчилар даволаниб, уруш ва меҳнат фронтларига қайтдилар.

Ўша суронли йиллар ҳақида гапирганда, халқимизнинг олижаноб гуманистик фазилатлари тўғрисида ҳар қанча фахрланиб, гўрурланиб сўз юритсак, арзийди, албатта.

Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек қўтиб олди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Тошкентлик темирчи Шоахмад Шоахмудов хонадони ана шундай оилалардан бири эди.

Баҳри ая ва Шоахмад ота 14 нафар оч-юпун, етим болани ўз тарбиясига олиб, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатдилар.

Халқимизга хос ана шундай буюк инсонпарварлик юксак маънавий жасорат намунаси сифатида бутун дунёда эътироф этилди.

Кейинги пайтда жамоатчилигимиз томонидан билдирилган кўплаб муружатларни ҳисобга олиб, биз Шоахмад Шоахмудов оиласига қарай ҳайқалай Тошкент шаҳри марказидаги аввалги жойига қайтаришга қарор қилдик.

Ушбу ёдгорлик ёнида жойлашган марказий кўчалардан бирига Шоахмад Шоахмудов номи берилди. Шунингдек, ҳайкал ўрнатилган майдон, шу ҳудуддаги метро станцияси, санъат саройининг «Халқлар дўстлиги» деган аввалги номи қайта тикланди.

Албатта, бундай қарор чуқур асосга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари дўстлик, ўзаро ҳурмат муҳитида тинч-тотув яшамоқда.

Ишончким, Ўзбекистон пойтахти марказида қайта тикланган мажмуа азалдан халқимизга хос бўлган, тобора мустаҳкамланиб бораётган бағрикенглик ва ҳамжихатлик, соҳават ва олижаноблик фазилатларининг ёрқин тўсили бўлиб қолади.

Азиз дўстлар!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилганини, албатта, миннатдорлик билан таъкидлашимиз.

Шу билан бирга, эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳали тўла очиб берилмаган, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир тақлиф билан мурожаат қилмоқчиман. Бу даҳшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида мукамал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишини, ўйлайманки, вақти-соати келди.

Ҳақиқатан ҳам, унинг-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз

кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак. Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий гуруҳ ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, барча вилоят ва туманларда эл-юртимиз Хотира майдонларини зиёрат қилиб, урушда халок бўлган ватандошларимизни ёд этмоқда. Мухтарам фахрийларимиз билан самимий учрашувлар ўтказилиб, уларга мукофотлар, эсдалик совғалари топширилмоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, кексаларимиз, мўтабар отахон ва онахонларимизни рози қилсак, бутун халқимиз, жамиятимиз биздан рози бўлади. Уларнинг табаррук дуолари — бу, аввало, эл-юртимизнинг дуоси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман — кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминоти, тиббий хизматдан фойдаланиши, маиший шароитларини яхшилаш — ҳурматли фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эъзозлаш ва ардоқлаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Албатта, мана шу қутлуг байрам кўнларига, ям-яшил табият бағрида, мусаффо осмон остида туриб, ҳар биримиз тинч ва озода ҳаётининг қадрини, аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Лекин, минг афсуски, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари кўпайиб бормоқда. Бу ҳам айни ҳақиқат. Шундай мураккаб даврда тинчлик учун кураш чиндан ҳам энг долзарб вазифага айланимоқда.

Шунинг учун биз яқин ва узоқ қўшнларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтирмоқдамиз. Айниқса, минтақамизда дўстлик ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум. Жумладан, жафокаш Афғонистон заминидан салкам 40 йилдан буён давом этаётган можарони тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббусларимиз халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Минтақамиздаги тинчлик ва тараққиёт барчамизнинг биргаликдаги саяёҳаракатларимизга боғлиқ. Шу маънода, бугун Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга интилаётгани фойда муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хатарларга қарши курашиш бош вазифамиз бўлиб қолади. Бу борада Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириб, тинчлик ва хавфсизлик йўлида олис ва яқин давлатлар билан ҳамкорлигини янада кучайтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонни хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватлаб келаётган, бугунги давримизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, барча хорижий меҳмонларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдираман. Уларнинг мамлакатлари ва халқларига ўз номидан, эл-юртимиз номидан тинчлик ва равақ тилашга ижозат бергайсиз.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим! Сиз, азизларни қутлуг байрам — Хотира ва қадрлаш куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Дунёдаги энг катта бахт — фарзандлар, набираларнинг бахту камolini кўриш барчангизга насиб этсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15-17 май кўнлари илк расмий ташриф билан АҚШда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг ҳолати ва уни ривожлантириш

истиқболларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Вашингтонда давлатимиз раҳбари, шунингдек, АҚШ Конгресси, Мудоффа вазирлиги ва Давлат департаменти ҳамда Жаҳон банкида икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

Расмий ташриф якунида икки мамлакат Президентлари «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти имзолаши, турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламининг қабул қилиниши кутилмоқда.

ЎЗА



Санакар ШУТУЛАНОВ олаи сурат

АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ҚАҲРАМОНЛИГИ ХОТИРАМИЗДА МАНГУ ҚОЛАЖАК

Халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини ҳимоя қилиш, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини намойиш этиб, бугунги тинч ва осойишта кўнлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш биз учун азалий қадриятдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

Ушбу айёмда бугунги тинч-осойишта ҳаётга қандай огир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини чуқур ҳис этамиз. Бу йўлда қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада теран англаймиз.

Давлатимиз томонидан кекса авлод, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронтти хизматчиларининг кўнгилни кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўлайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 16 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчилиги ва озодлиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топан.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табрикномаси, 5 миллион сўмдан пул мукофоти ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият, Мудоффа, Ички ишлар вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Бадиий академия, Маънавият ва маърифат маркази, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар келган.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди.

Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз

хотирасига ҳурмат баҳо келтирди — ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Мотамсаро она ҳайкали турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан қўйилган гулларга бурканди.

Шу кун Тошкент шаҳридаги Ботаника боғида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ва меҳнат фахрийлари тақийлди.

Боғ байрамона безатилган. Саҳна ортидаги улкан мониторда халқимизнинг уруш даврида кўрсатган матонати ва жасорати, ёвуз ўғлонларининг мислсиз қаҳрамонликлари акс этган лавҳалар намойиш қилинди. Мардлик, озода Ватан, тинчлик тараннум этилган шiorлардан юраклар жунбушга келди.

Боғ ичидаги майдонда уруш йилларидаги муҳит акс этган. Қўмондонлик штаби, окоп ва блиндажлар, тиббиёт пункти, дала ошхонаси қурилган, Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳарбий техника, қурол-аслаҳа намуналари жойлаштирилган. Жанг майдонларида аскарларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, урушдан қайтмаган минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси, ота-боболаримизнинг фронтти меҳнат фаолияти акс этган.

Давоми 2-бетда. ►



АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ҚАҲРАМОНЛИГИ ХОТИРАМИЗДА МАНГУ ҚОЛАЖАК



Фаррух АЛИЕВ олдани сурат.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросида мусиқа янгради.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан қутиб олди.

Чорлов мусиқаси янгради. Президент Шавкат Мирзиёев минбарга таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилганларни, бутун халқимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 73 йиллиги муносабати билан табрикларди.

Жангоҳларда мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бугун ҳаётимизга фойда бағишлаб юрган фахрийларимиз олдида барчамиз бош эгиб таъзим қилишимиз, айтиш вақтида Ватанимиз озодлиги, эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган жасур юрдошларимизнинг номларини ҳам ҳурмат-эҳтиром билан эътибор билан, уларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб билишимиз зарурлигини таъкидлади.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар умрига зомин бўлган, инсонсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Унда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликнинг арий миллиондан зиёди ҳалок бўлгани, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолгани ҳисобга олинмаган бўлса, бу ғалаба-қанчимиз учун нақадар қимматга тушгани ақлол намоян бўлади.

Халқимизнинг уруш йилларидаги чинакам матонат ва жасорати бутун инсоният учун ибратдир. Ўзбек халқи жанг майдонларидан юртимизга эвакуация қилинган бир миллионга яқин кишига ўз уйдан қай берди. Улар орасидаги 200 минг болани юзлаб ўзбек oilалари «Сен етим эмассан», деб ўз паноҳига олган, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган. Тошкентлик Шомахмудовлар oilаси 14 нафар, қаттақўрғонлик Самадовлар oilаси 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар oilаси 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна кўпайта келтириш мумкин.

Хотира ва қадрлаш куни нишонланаётган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонида тошкентлик темирчи Шомахмудовлар oilаси хотирасига ҳурмат сифатида барпо этилган ҳайкал қайта ўрнатилгани бу бағрикенгликнинг намунасидир.

Шунингдек, генерал Собир Раҳимов ҳайкали Тошкент шаҳри Олмазор тумани ҳокимлиги қарши-сидаги эски ўрнига қайтарилгани 1941-1945 йилларда Иккинчи жаҳон уруши фронтда матонат кўрсатган юрдошларимиз хотирасини улуғлаш йўлидаги яна бир эзгу қадам бўлди.

Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган лавҳалар ўтади.

...Ўзбекистон санъат арбоби Туроб Туланинг «Она монологу» янгради.

Машҳур суҳбатдон Юрий Левитанинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълонни ўқиган овози янгради.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРДОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Давоми, бошланғич 1-бетда.

Муносабат

«Болаликнинг сўнгги ёзи»

«Болаликнинг сўнгги ёзи» ҳужжатли фильмини кўрган киши уруш инсоният бошига чексиз кулфатлар солганини яна бир бор чуқур англайди. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳридорлигини, яхшилик энг олий қадрият эканини юрак-юракдан ҳис этади...

Бу оламда катта-кичикми, миллат борки, ўзагина хос аъналарни, қадриятлари билан бошқалардан ажралиб туради. Ўзбек халқининг фазилатлари ҳақида гап кетса, аввало бағрикенглиги, меҳр-оқибати юксаклиги эътироф этилади. Бунга кўпайта мисоллар келтириш мумкин, албатта. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йиллари халқимиз чинакамига инсонпарварлик фазилатларини намоян этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам халқимизнинг олижаноб, гуманистик фазилатларини фахрланиб, гурурланиб таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, уруш халқимиз бошига ҳам беҳисоб азоб-қувбатлар, ғам-андуҳлар солган, муштипар оналар фронтдан қора хат олаётган, одамлар бир бурда нонга зор бўлаётган оғир бир шароитда уруш кетаётган ҳудудлардан келтирилган миллионга яқин одамни Ўзбекистон ўз бағрига олди, улардан 200 минг нафари бола эди. Ота-оналаридан, яқинларидан ажралган бу норасидаларга турли ташкилотлар ҳомийлик қилишди. Юзлаб oilалар қанчалаб етим болаларни ўз қарамоғига олди. Ўзбек oilаларида бир бурда нон ҳам турли миллат фарзандлари билан баҳам кўрилди, улар ака-ука, опа-сингил бўлиб яшади.

Машҳур уруш тугаб, тинчлик замони келгач, Ўзбекистонга эвакуация қилинган кишилар ва болаларнинг бир қисми Ўзбекистонда умрбод яшаб қолди, бошқалари тугилган юртига қайтишди...

Орадан етмиш йилдан зиёд вақт ўтди. Афсуски, уруш болаларининг кўплари бугун орамизда йўқ. Улар кўрган-билганларини ўзлари билан олиб кетишди. Аммо уруш йиллари Ўзбекистонда яшаган рус,

украин, беларусь, яҳудий каби миллатлар болаларининг айримлари бугун ҳам ҳаёт, улар дунёнинг турли мамлакатларида яшашмоқда. Улар ҳозиргача Ўзбекистон номини қалбларида меҳр билан асраб келишмоқда, ўзбек халқи кўрсатган бағрикенгликни чуқур ҳурмат-эҳтиром билан хотирлашмоқда.

солади. Улар ўзбек халқи шаънига айтган оташин сўзлар, эътирофлардан қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари мавжланади. Мана, улардан айримларининг дил сўзларига эътибор қаратайлик:

Михаил Ружанский: — Умрим давомида ҳар кун, баъзан ҳар дақиқа саҳий ўзбек халқини эслаганимда кўз-ёшларим

эслайман, ҳис қиламан, юрагимнинг энг тўрида бурчдорлик туйғуси устувор эканлигини ангаб нафас оламан.

Елена Горюшич: — «Ўзбекистон бизнинг ҳаётимизни сақлаб қолди. Бу юртга етиб борганимнинг учинчи кунидек мен ўзимни ўз уйимда яшаётгандек ҳис қилдим. Бу халқ биз, етимларга миннатсиз ёрдам бераётгани учун хавотирсиз яшай бошладим... Агар Ўзбекистонга юборишмаганида 1941 йилдаёқ очликдан ё дайди ўқдан ўлиб кетган бўлардим. Ғалаба кунини бутун Ўзбекистон байрам мамлакатига айланади. Турли миллат вакиллари кўчаларни тўлдириб, бир-биримизни қучоқлаб, рақсга тушардик.

Израил Либус: — Мен ўзимни аввало ўзбек фарзанди ҳисоблайман. Бирор дақиқа бўлсин, Ўзбекистонни севишдан толиқмайман. Томир-томиримча бу юртга боғланганман...

«Болаликнинг сўнгги ёзи» ҳужжатли фильмини кўрган киши кўпдан-кўп ҳулосаларга келади. Бу фильм яхшилик ҳеч қачон унутилмаслигини сабаб беради. Бу фильм ўзбек халқи қалбини дунёга яқинроқ таништиришга хизмат қилади. Бу фильм халқимизнинг бебаҳо фазилатлари ҳақида бўлгани учун ҳам қадрили ва қимматли.

Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз бундай юксак фазилатлар фарзандларимизга ҳам ўтишини тилади. Чунки бундай бағрикенглик, инсонпарварлик нафақат фазилат, балки бебаҳо маънавий бойлик, жасорат, куч-қудратдир.

Бу ҳужжатли фильм ижодкорлари меҳнати, айниқса, сценарий муаллифи ва режиссёри Наби Раззоқовнинг маҳорати алоҳида таҳсинга, эътирофга лойиқдир.

Сафар ОСТОНОВ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида

газетамиз саҳифаларида қандай тарихий маълумотлар эълон қилинган эди?..

1942 йил, 23 январь

Кўчириб келтирилган болаларни ўз тарбияларига беришни сўраб районлардан жуда кўп талаблар келмоқда. Кўчириб келтирилган болалар учун (Сурхондарё) областда 600 кишилик жой ҳозирланди. Уларга иссиқ кийим ва бошқа нарсалар тўпланмоқда...

1942 йил, 28 январь

...Киров районида 70 га яқин бола oilалар тарбиясига берилади. Бундан ташқари, 12 бола болалар уйига жойлаштирилди. Ўзбекистон пахта тайёрлаш трести 24, Универмаг идораси 4 болани қарамоғига олди. Бу болалар учун уй-жой, озиқ-овқатлар ҳозирланди. Уларни махсус мураббиялар тарбия қилмоқда.

1942 йил, 27 декабрь

Фашистлар вақтинча босиб олган областлардан Ўзбекистонга кўчма болалар келди. Улар етимлардир ёки ўз қишлоқ ва шаҳарларидан қочиб кетиш вақтида ота ва оналарини йўқотган болалардир.

...Тошкентда ва бутун Ўзбекистонда мингларча oilалар болаларни ўз тарбияларига олдилар...

1945 йил, 9 май

9 майни ғалаба байрами деб эълон қилиш тўғрисида

Совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борган Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугалланди. Қизил Армия тарихий ғалабаларга эришди. Бу ғалабалар гитлерчилар Германиясининг тамомла тар-мор қилиниши билан тугалланди. Гитлерчилар Германиясини сузасиз таслим бўлганини билдирди. Шу ғалабаларни нишонлаш юзасидан 9 май умумхалқ тантанаси кунини — ҒАЛАБА БАЙРАМИ деб белгилансин.

9 майиш кунини эмас деб ҳисоблансин... Москва, Кремль.

1945 йил 8 май.



1945 йил, 9 май — Ғалаба байрами кунини. Тошкент Қизил майдонида.

1945 йил, 10 май

ҚАСИДА

Эй, менинг йиғлайбериб — кўз ёшлари қуриган, лекин ноумид бўлмаган онам, кўл — қувон!

Эй, менинг, жаҳон-жаҳон мусибатларни кўтариб, учуриллардан учиб ўтолган ўлкам, кўл — қувон!

Эй, нуруний ва донишманд оталарим, эй, пок зурриётнинг истикболини невараларининг ёрқин пешоналарида ўқиган мўйсафидлар! Қулинг, қувонинг!

Кутилган соат келди! Эй, кечалари уйқусиз, ёр ҳаёлида қашта тиккан ва кетмон чопган, дарс ўқиган ва ўқ қуйган қизлар! Қулинг, қувонинг!

Кутилган кун келди! Эй, отасининг йўқлигини билдирмай, онасига тасалли бўлган шўх, навқирон насл! Укаларим, сингилларим! Қулинг, қувонинг!

Кутилган соат келди! Улуғ кун келди! Тўрт йил кутдик, тўрт йил кўзларимиз узун ва қадимий қарвон йўлларига термулиб, ногирон бўлди. Лекин билардикки, шу соат, шу бахтиёр ва унутилмас соат, шу ажойиб кун келажак...

Билардикки, ёвуз, ғаддор, беномус, кўхна — чиринган гитлер Германиясини ўлажақ! — билардикки, сариқ аждаҳоннинг пўлат қалпаси мажақланажақ. Билардик ва билиб, умидвор, пуриқор, шиддаткор оғир йўллардан ўтиб келардик...

Тиз чўкмадик, жаллод қаршисида омон тилаб ёш тўкмадик, ўлганлар ўлди, уларга асрлар ҳайкал ва обидалар қуражақ! Қолганлар омон бўлсин! Чунки биз — ўлимларнинг омонсиз ва шаддоод кўзларига қараганлардан!.. Чунки биз — даҳшатлар, офатларнинг талабгор, номард ва қонли ўпқонларидан мардона ўтишга яраганлардан!..

Тамом бўлди! Оламини ўз панжасига олиб, қонини сўрмоқ ҳаёлига тушган иблисининг кунини, қора салтанатини, ҳаёти тамом бўлди. Бундан сўнг, Германия зиндонларидан акаларимизнинг фиғонлари кўкларга учмаяжақ!

Бундан сўнг, жанжирли қул подалари

узун-узқ йўллардан кун ботар томон юрмайжақ, сурунмаяжақ!

Бундан сўнг, бенаво ва бечора қочқинлар ўрмонларда, ботқоқларда, ертўлаларда ҳаёт кечирмаяжақ!

Бундан сўнг, Германия жаллодлари гудакларимизнинг қонларини бода ўрнида ичмаяжақ!

Бундан сўнг, муттаҳам ўрдуларнинг олам саҳнасиндан қонли томошалар бошлашига йўл йўқ!

Тамом бўлди!

Бахтимизни босиб олмоқчи бўлган қора кунлар — ҳеч қайтиб келмасдай кетди. Ўлди!

Разил, ноҳақ, расво, гирром, шаллақ гитлерчилар Германиясини ўлди!

Қазоб, одамхўр, дажжол гитлерчилар Германиясини фарзанд атаб туққан бўривойлар бунда қолди! Фақат, ер тағида!

Оққўз, ёлмағуз, сариқ вабо ва бадбахт, муттаҳам, чиринган гитлерчилар Германиясини ишониб қўлига арғамчи ва қилч бериб, овга юборган жаллодлар бунда қолди!

Фақат — ер тағида.

Қул! Қул, эй, менинг муҳтарам ва аламдодимга онам!

Ҳақинг бор!

Қулинг! Эй, кекса, миқти, расо ва азиз оталар!

Қулишга, яйрашга, гурурланишга ҳақингиз бор!

Сулпулар, укалар, сингиллар қулингиз! — қулайлик, қаҳ-қаҳалар фалак жомини янгротсин, ҳақимиз бор!

Чунки зафар байроқлари душман ўлкасининг шоҳқаларига ҳилпирамоқда! Чунки зафар олган — қон ва қўрбонлар бериб, зафар олган — бизнинг олплар, бизнинг баҳодирлар, бизнинг саркардалар, бизнинг сардорлар!

Фақат, эсдан чиқармайликки, не-не жаннатосо шаҳарларимиз ёниб, қул бўлди! Не-не қизларимиз, ўғилларимиз неча ойлаб ва ҳатто йиллаб зolimлар исканжасида қул бўлди. Фақат, эсдан чиқармайликки, не-не гудакларимиз триклайин кўмилиб, армон билан кетди. Не-не кексаларимиз кесилиб, бурдаланиб, ҳақорат остида фиғон билан кетди.

Дорларга осилганлар эсда турсин! Қўзларига чўғ босилганлар эсда турсин! Қўлқуларига қўроғини қуолганлар эсда турсин!

Кўкракларидан юлдўз ўюлганлар эсда турсин! Беомон сўйилганлар эсда турсин!

Эй, улугвор, бахтиёр, голиб, бўйин эгмас мамлакатим! Тўй қўтлуг бўлсин, тўйлар қўтлуг бўлсин...

Эй, радиотўлқунлари! Менинг наъраларимни учар қанотларингда қўтлардан қўтларга олиб уч! Менинг мамлакатимнинг шодиясинини ўлмас тароналардай жаҳонларга тарқат! Жаҳон юрагига жаҳон-жаҳон шодияналар кўзгата ол! Тўлқунлата ол!



1945 йил, 25 май

Гвардия генерал-майори Собир Раҳимовни дафн этишни уюштириш юзасидан тузилган комиссиядан Немис-фашист босқинчиларга қарши қарамонона курашда ҳалок бўлган гвардия генерал-майори Собир РАХИМОВНИ дафн этиш маросими Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Собир РАХИМОВнинг танаси Москвада қўйдирилди. Собир РАХИМОВнинг ҳоқи солинган қути Тошкентга келтирилди ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг залига қўйилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг залига 24 май кундузи соат 3 дан кечқурун соат 8 гача ва 25 май эрталаб соат 11 дан кундузи соат 4-30 минутгача кириш мумкин.

Дафн этиш маросими 25 май кечқурун соат 6 да Ўртоқлар қабристонига бўлади.

ЎзССР Халқ Комиссарлари Советида Гвардия генерал-майори Собир Раҳимов хотирасини абадийлаштириш ва унинг oilасини таъминлаш тўғрисида

ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган гвардия генерал-майори Собир Раҳимовнинг хотирасини абадийлаш тўғрисида қарор қилди.

Тошкент шаҳрида генерал-майори Собир Раҳимовга ҳайкал ўрнатилди.

Тошкент шаҳридаги Тахтапўл кўчаси ва Қуйбўшиев районидаги 118-мактаб генерал Раҳимов номига қўйилди.

Калинин районидаги «Ўтқун» колхозини аъзолари умумий мажлисининг қарорининг генерал Раҳимов номига қўйиш тўғрисидаги илтимоси қондирилди.

Халқ Комиссарлари Совети Ўзбекистон совет ёзуқчилари союзи ва ЎзССР Давлат нашриётига гвардия генерал-майори Раҳимовнинг ҳаёти ҳамда жанговор хизматлари тўғрисида 1945 йилда рус ва ўзбек тилида китоб нашр этишни топширди.

Генерал-майор Собир Раҳимовнинг oilасига бир йўла нафақа берилди, шахсий пенсия тайинланади ва Тошкентда 4 хонали уй қурилади.

Гвардия генерал-майори Собир Раҳимовни дафн этиш ҳаражати давлат ҳисобига қабул қилинди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

МИРТЕМИР

УРУШДА ИККИ МАРТА ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР
РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ТЕШАБОЙ ОДИЛОВ

ҳақида нималарни биламиз?..

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тахририятимизга Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган ўзбекистонлик жангчилар тақдиридан ҳикоя қилувчи хатлар, мақолалар, фотосуратлар келмоқда. Эътиборингизга Фарғона вилояти, Сўх тумани, Хушёр қишлоғида яшаётган меҳнат фахрийси Одилжон Тешабоевнинг отаси, уруш қаҳрамони Тешабой Одилов ҳақида бизга юборган мактуби асосида тайёрланган мақолани ҳавола қиламиз.

Сўхлик Тешабой Одилов 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилганида мактабда ўқитувчилик қиларди. У Болтиқбўйи округида ҳарбий тайёргарликдан ўтади. Бу орада уруш бошланади. Дастлаб Тешабой Фарбий Беларуссияни озод қилишдаги жангларда қатнашади. Кейинчалик Болтиқбўйи ҳарбий округининг 115-ўқчи дивизиясида хизмат қилади. 1941 йилнинг сентябрида Виборг шаҳрида душман ҳужумига дуч келишади. Жангдан олдин фашист авиацияси томонидан берилган зарба туфайли бошқа ҳарбий қисмлар билан алоқа узилади.

Озиқ-овқат ва ўқ дори таъминоти йўли душман томонидан тўсиб қўйилган, Нева тезкор гуруҳи кўмондони генерал Василий Коньков Нева дарёси орқали Койвисто оролига мажбурий чекинишга буйруқ беради. Омон қолган 10 минг аскар Кронштадтга эвакуация қилинади. Жангчилар дарёнинг ўнг қирғоғидаги «Невский пятачок» деб номланган Нева-Дубровка тепалиғида душманни кутиб олишга тайёргарлик кўради. Фашистларни шаҳарга ўтказмаслик учун 48 кеча-кундуз матонат билан мудофаада турган аскарлар бир неча бор оқоқдан чиқиб, уларнинг ҳужумини қайтаради. Тешабой Одилов Фёдор Черноскутов, Андрей Марченко каби қуролдошлари билан 33 мартаба душман билан юзма-юз чиқиб, уларни ер тишлатади. Лекин ўша ерда 1941 йилнинг 11 ноябрида ярадор бўлиб, хушидан кетади...

«Невский пятачок» ҳимоясида кўксини қалқон қилган бир неча

минглаб аскарлар ҳалок бўлади. Ҳозир ўша жойга ўрнатилган ёдгорлик монументида ҳалок бўлган жангчилар қатори Андрей Марченко ва Тешабой Одиловнинг ҳам номи қайд этилган. Гап шундаки, бу икки аскар «Невский пятачок»нинг энг сўнги ҳимоячилари бўлган. Уларни ҳарбий денгизчилар беҳуш ва огир ярадор ҳолда топиб, госпиталга олиб боришган. Натижада ҳалок бўлганлар рўйхатида қайд этилган...

Тешабой Одилов ҳарбий госпиталда бир ярим ой даволаниб чиққач, 43-ўқчи дивизиясида мерганлиги билан донг чиқаради. Бугунги кунда унинг 1413 рақамли снайперлик милтиғи Санкт-Петербург ҳарбий музейида сақланмоқда. У Ленинград қамалини бартаф қилиш учун бўлган жангларда қатнашади.

1942 йилда Тешабой Одиловнинг жангда кўрсатган жасоратлари ҳақида ТАСС мухбири А.Михайлов мақола ёзади. Унинг сурати «Ватан ҳимоясида» («На страже Родины») газетасида босилади. «Союзхроника» томонида «Снайпер-разведкачи» номи хужжатли фильм яратилиб, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида турган аскарлар бир неча бор оқоқдан чиқиб, уларнинг ҳужумини қайтаради. Тешабой Одилов Фёдор Черноскутов, Андрей Марченко каби қуролдошлари билан 33 мартаба душман билан юзма-юз чиқиб, уларни ер тишлатади. Лекин ўша ерда 1941 йилнинг 11 ноябрида ярадор бўлиб, хушидан кетади...

«Невский пятачок» ҳимоясида кўксини қалқон қилган бир неча

У йигит ким? Ким у паҳлавон? Қай элатдан шундай мард ўғлон? Ўзбек ўғли, ўзбек – Тешабой, фарғоналик ўтқир қарчиғай. У Ватаннинг ёш қаҳрамони,

ТЕШАБОЙ ОДИЛОВ

У йигит ким? Ким у паҳлавон?
Қай элатдан шундай мард ўғлон?
Ўзбек ўғли, ўзбек – Тешабой,
фарғоналик ўтқир қарчиғай.



Ўзбек халқи фарзанди, жони. Унинг номи юртда янграйди, Суратига кўзлар тўймайди. Ҳар кўнгилда унга муҳаббат, Тарихларда у қолар абад. Йигитларнинг удир қаймоғи, Ёвни урган ғазаб қақмоғи. Кўрқув билмас полков, Тешабой, Шонлар сенга арслон, Тешабой!

Ёзувчи Павел Лукницкий ўзининг китобида Тешабой Одилов кўрсатган жасоратлари ҳақида батафсил ёзган.

1942 йилнинг май-июнь ойида ўзбекистонлик бир гуруҳ ижодкорлар Ленинград қамалида турган аҳоли ва жангчилар учун совға-салом олиб борадилар. Уларнинг бир гуруҳини жангчилар билан учрашувга олиб келиш лейтенант Тешабой Одиловга топширилади. Йўлда ўзбекистонлик вакиллари келаятган «Полторка» машинаси душман томонидан ўққа тутилади. Атрофда снарядлар портлай бошлайди. Шунда Тешабой Одилов меҳмонларни машинадан тушириб, уларни чангалзор орқали ҳарбий қисмга соғ-омон олиб келади. Орадан йиллар ўтиб, ўша делегация сафида бўлган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси савдо вазири бўлиб ишлаган Гафур Юсупов Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 22 йиллиғида Тешабой Одиловга

жўнатган табрик хатида ўша суронли йилларни эслаган эди...

1944 йил «Ватан ҳимоясида» («На страже Родины») газетасининг 24 июль сонидида Андрей Марченко ҳамда у билан жангларда қатнашган Тешабой Одилов огир ярадор бўлгани ва унинг милтиғи Зинат Нигматуллинга топширилгани ҳақида қисқа хабар босилади. Шундан кейин уларнинг номи тилга олинмайди, Нарва учун бўлган жангларда ҳалок бўлган, деб тахмин қилинади...

Тешабой Одилов 1944 йилда ҳарбий госпиталда икки ой даволангач, фашистлар эгаллаган шаҳар ва қишлоқларни озод этишда қатнашади. Ҳалабани 1945 йил 6 майда Латвияда кутиб олади. Кейин Ўзбекистонга, қадрдон қишлоғига қайтади. Мактабда ўқитувчилигини давом эттиради. Бу орада Фарғона педагогика институтига ўқиб, олий маълумот олади. Уйланади, турмуш ўртоғи билан 13 фарзандни тарбиялаб voyага етказди. Мактаб директори, хўжалик раиси бўлиб ишлайди.

1961 йилда Павел Лукницкий томонидан чоп этилган «Ленинград ҳаракатда» («Ленинград действует») китобида 1942 йил «Невский пятачок» ҳимоясида ҳалок бўлган аскарлар қатори Тешабой Одилов

ва Андрей Марченко номлари ҳам тилга олинади.

Ўша пайтда Удмуртияда яшаётган Андрей Марченко Павел Лукницкийнинг китобида ўзи ҳақида ўқигач, унга хат ёзади. Улар 1963 йил 9 майда «Невский пятачок»даги жангларда ҳалок бўлган аскарлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойида учрашадилар. Барча ҳалок бўлганлар қатори Тешабой Одилов номи ҳам ёдга олинади...

1971 йилда Павел Лукницкий Тешабой Одиловнинг тирик эканидан хабар топади ва унга хат ёзади. Ўша йили Ҳалаба байрам муносабати билан Тешабой Одилов Ленинградга тақлиф этилади ва унга тантанали равишда «Нева Дубровкиси фахрийси» унвони топширилади. У шу ерда Павел Лукницкий ҳамда Андрей Марченко билан куришади. Адиб урушда ҳалок бўлганлар рўйхатида номлари икки марта қайд этилган бу қаҳрамонлар ҳақида «Известия» газетасига «Улимни енгганлар» («Сильнее смерти») сарлавҳали мақола ёзади...

Улимларни доғда қолдирган Тешабой Одилов 1997 йил 21 сентябрь кuni вафот этди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Қаҳрамонлар ўлмайди. Улар халқ қалбиди мангу яшайди. Пойтахтимизда биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкалининг ўз тарихий жойида – Олмазор туманида қайта тикланиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда барчанинг кўнглидан шундай фикрлар кечганига шубҳа йўқ.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга Мудофаа вазирлиги, пойтахтнинг кенг жамоатчилик вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар тақлиф этилди.

Юртбошимизнинг яқинда Наманган вилоятига сафари чоғида ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкалини ўз тарихий жойида қайта тиклашга оид билдирган тақлифини юртдошларимиз катта ҳаяжон билан кутиб олди.

Халқимизда афсонавий генерал номи билан машҳур бўлган Собир Раҳимов 1902 йилда Тошкентда таваллуд топган. 1941-1945 йилларда фашизм балосини енгилдаги жангларда қатнашган ҳамюртимизнинг матонати, жасорати, қатъияти, ўзига хос жанг тактикаси тарихнинг олтин зарварақларидан ўрин олган. Бир неча бор огир яраланган С.Раҳимов уруш поёнига етай деганда дунёдан кўз юмган.

Тантанали тадбирда иштирокчилар генерал Собир Раҳимов ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

БАЙРАМ УНУТИЛМАС
ТААССУРОТЛАРГА
БОЙ БЎЛДИ

Хотира ва қадрлаш куни байрам тадбирлари Самарқанд вилоятида ҳам кенг халқ оммаси иштирокида муносиб нишонланди.

Маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон урушида 152 мингдан кўпроқ самарқандликлар иштирок этган. Уларнинг 73 минг нафарига она юртига қайтиб келиш насиб этмади. Самарқанд шаҳридаги Хотира майдонида 48 минг 500 нафардан ортқ шахид кетган ота-боболаримиз номлари битилган.

Бугунги кунда вилоятда 97 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари давлатимиз ва халқимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Президент фармонида кўра, уларга беш миллион сўмдан пул муқоти ва давлатимиз раҳбарининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

...9 май кuni эрта тонгдан Самарқанд шаҳридаги Хотира майдони ҳар қачонгидан ғажув бўлди. Бу ерда Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди.

Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев бошчилигида Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйилиб, бугунги тинч ва осуда кунлар учун жон фидо қилган юртдошларимиз ёд этилди. Шундан сўнг тадбирлар Кўсарой майдонига кўчди.

Бу ерда «Нуроний» жамағармаси туман ва шаҳар бўлими-ларига Президент совғаси – 16 «Дамас» автомашиниси, жамағарма вилоят бўлими кенгашига эса «Каптив» автомо-били топширилди.

Президентимизнинг «Нуроний» жамағармаси фаолияти-тини такомиллаштириш ҳақидаги фармони билан ўтган йил вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида «Нуронийлар мас-кани» бунёд этилди, – дейди «Нуроний» жамағармаси Ургут тумани бўлими раиси Ф.Азизов. – Жумладан, Ургут исти-роҳат боғи ҳудудида туманимиз нуронийлари учун ана шун-дай маскан қуриб берилди. Давлатимиз раҳбарининг совғаси – «Дамас» автомашиниси олганимиздан бошимиз кўкка етди. Бу юртимизда ёш илғу инсонлар давлатимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигидан эканлигининг яна бир ифодасидир.

Ушбу майдонда Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги то-монидан ҳарбий техникалар ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси ўтказилди. Фахрийлар ҳарбий-дала ошхонасида тайёрланган таомлардан татиб кўрдилар, театрлаштирилган кўринишлар-ни томоша қилдилар.

Тадбирлар доирасида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидан Университет хиёбонида бўлган масофада ёшлар ва фахрийлар иштирокида марафон ҳамда велома-рафон ўтказилди.

Тадбирлар якунида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун Самарқанд вилояти ҳокимлиги-нинг тантанали қабул маросими уюштирилиб, иштирокчилар-га совғалар топширилди.

Хотира ва қадрлаш куни тадбирлари доирасида мустақил-лик йилларида хизмат бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оиласидан хабар олиниб, ҳокимликлар ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС!

Facebook ижтимоий тармоғидаги «Саховат»
гуруҳини биласизми?

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Олмазор туман кенгашлари масъул ходимлари Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатига боришди.

— Ёлғиз қизим 19 ёшида хасталаниб қолди, — деди Манзура Ҳусайнова. — Онам билан маслаҳатлашиб, уни даво-латиш учун яшаб турган уйимни сотдим. Тақдир экан, бироз ўтиб у вафот этди. Шундан сўнг мутасаддилар бизни панси-онатга жойлаштиришди. Бу масканда бизга ўхшаган инсонлар учун барча шароитлар яратилган.

— Шукр, ҳеч нарсадан камимиз йўқ, — дейди Неъмат Бобонозов. — Хонамизга бир кириб кўринг. Ҳар биримизга алоҳида телевизор, мулатига, ошмоқ мебеллар берилган. Пансионат ходимлари ўғил-

қизимиздек. Саховатпеша инсонлар холи-миздан хабар олиб туришибди. Улардан жуда мамнунмиз, барака топишсин.

Сўхбатдошларимиз билан ташкилотчи-лар томонидан уюштирилган байрам дасту-рида учрашишга ваъдалашдик. Шу вақт ни-маларнидир муҳокама қилаётган бир гуруҳ одамларга кўзимиз тушди. Улар томон бор-дик. Бу инсонларнинг барчаси «Саховат» гуруҳи аъзолари экан.

— Ҳайрон бўлманг, — деди гуруҳ ташкилотчиларидан бири Нодир Абдуллажанов. — Биз Facebook ижтимо-ий тармоғидаги «Саховат» гуруҳи аъзола-римиз. Пансионатга тез-тез келиб, бу ерда-ги нуронийларнинг ҳолидан хабар оламиз, сўхбатидан баҳраманд бўламиз. Уларнинг кўнглини олиш учун қўлдан келганча ҳа-ракат қиламиз. Тадбирлар уюштирамиз.

Гуруҳимизнинг пайдо бўлиши ҳақи-да ҳам озгина тўхталиб ўтсам. Синфдош дўстим Баҳром Алимов билан тижорат мақсадида гуруҳ ташкил этган эдик. Шу вақтда эҳтиёжманд оила вакилларига ёр-дам зарурлиги ҳақидаги хабарга кўзимиз тушди. Гуруҳ аъзолари бирлашиб, савоб ишда бош-қош бўлдик. Шундан сўнг гу-руҳимиз номини «Саховат» деб ўзгартир-дик. Ҳозир гуруҳимизда 16 мингга яқин турли ёшдаги, турли касб эгалари бор. Улар хайрия тадбирларига ўз фарзанд-ларини ҳам олиб келишади. Бу ҳам тар-биянинг бир усули, деб ўйлайман. Негаки, ёшлар ота-оналарининг нафақат панду насиҳатларини эшитишади, балки амалий ишларига ҳам гувоҳ бўлишади. Келажак-да улардан ибрат олишади.

Республика кўз касалликлари ши-фохонаси бош шифокори, халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Отабек Икромовни бир гуруҳ ну-ронийлар орасида учратдик.

— Отаҳон-онаҳонлар билан сўхбатла-шиб дил яйрайди, — деди у. — Нуроний-ларнинг ҳар бир сўзи олтинга тенг. Пан-сионатда кўп бўламан. Улар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борамиз. Вақти-вақти билан тиббий кўриқлар ўтказамиз. Кўзида муаммолар бўлган инсонларга бепул жарроҳ-лик амалиёти ўтказилиши йўлга қўйил-ган. Шу боисдан ҳам пансионат директори Фарангиз Акрамовага ота-оналарининг барини кўзидан танийман, деб айтаман.

— Ростдан ҳам шундай, — деди Фарангиз Акрамова. — Муассасамизда 145 нафар отаҳон-онаҳонлар истиқомат қилишади. Барчалари ўзига хос феъ-латворга эга. Баъзан ёш боладек бўлиб қолишади. Бу ерда яшаётганларнинг бар-часи меҳрга зор. Биз бунни яхши биламиз. Уйдан қандай кайфиятда чиқмайлик, уларга бунни билдирмасликка ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, депутатлар зоминлик 97 ёшли Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуразоқ Орипов хонадонидан ҳам бўлишди.

— Мен 1940 йилда 19 ёшимда Смоленск-даги ҳарбий билим юртига ўқишга юборилдим, — деб хотирлайди Абдуразоқ Орипов. — 1941 йил 22 июнда Смоленск шаҳрига не-мислар томонидан бомба ташланди. Ўқи-шимизни Урал шаҳрига кўчиришди. 3 ойдан сўнг бизни фронтга жўнатишди. Урушнинг сўнги кунларигача душманларга қарши жанг қилдим...

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят ке-нгаши фаоллари ҳам Сирдарё туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган аёллар учун интернат уйида бўлишди. Ёшлик маҳалласида истиқомат қилган 2000 йилда Сўх воқеаларида ватан учун мардонавор курашиб, жон берган Хайрулла Бозоров-нинг хонадонига боришди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Рес-публика кенгаши ва Нукус шаҳар кенгаши томонидан ҳам мазкур санага бағишлаб тадбирлар ташкил этилди. Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Нурулла Абдуллаев, Атабай Ермаганбетов, Қадирбай Нарманов хона-донига боришиб, уларни байрам билан кут-лашди.

ЎзХДП Деҳқонобод туман кенгаши хо-димлари 94 ёшли уруш фахрийси Инат Шарипов ҳолидан хабар олиб, партиянинг эсдалик совғаларини топширишди.

Тошкент вилоят партия кенгаши ҳам Чиноз, Оқўрғон, Бектемир тумани ҳамда Чирчиқ шаҳрида умргузаронлик қилаётган уруш фахрийлари ҳолидан хабар олишди. Байрам билан табриклаб, совғалар топши-ришди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА
тайёрлади.



«АГРОБАНК»ДАН ХУНАРМАНДЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР!

«Хунарманд» уюшмасининг аъзосимисиз?
Унда зарур мини-технология, асбоб-ускуна ва
эҳтиёт-қисмларни харид қилиш, шунингдек,
айланма маблағларни тўлдириш учун банкнинг
имтиёзли кредитларидан фойдаланинг!

Кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг
300 баробари миқдорига 2 йил муддатга,
6 ой имтиёзли давр билан ажратилади.

➤ Асбоб-ускуна ва
эҳтиёт-қисмлар хариди учун — 7 фойз.

➤ Айланима маблағларни
тўлдириш учун — 14 фойз.

Азиз хунармандлар
фаолиятингизни
AGROBANK
билан ривожлантиринг!

/AgrobankChannel

Agrobank Mobilni ilovasini o'qib oling

www.agrobank.uz

tel. (+99871) 203 88 88

/agrobankuzbekistan

Download on the
App Store

GET IT ON
Google Play

Хизматлар лицензияланган

НУКУСДА ОММАВИЙ МАРАФОН БЎЛИБ ЎТДИ

Нукус шаҳрида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан оммавий марафон ўтказилди.

Марафон Жанубий автовокзалдан бошланиб, Тўрткўл, Амир Темур, Ислам Каримов шоҳ кўчалари бўйлаб ўтказилди ва Амфитеатр олдига яқинланди. Марафонда мактаб, коллеж ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари, муассаса, корхона ва ташкилотлар ходимлари, ҳарбийлар иштирок этди.

Марафондан сўнг уруш даври ва замонавий ҳарбий техникалар кўргазмаси намойиш этилди. Ёшлар ҳарбий техникаларни қизиқиш билан томоша қилди, уруш фахрийлари ва ҳарбийлар билан суҳбатлашди, уруш даври қўшиқларини қуйлади.

— Хотира ва қадр дунёдаги энг юксак қадриятлар ҳисобланади, — дейди Нукус спорт коллежи ўқувчиси, таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпиони З.Сатбаев. — Бу байрам юртимизда кенг тарзда нишонланади. Бугун ҳам катта шодиёна. 9 май санаси муносабати билан ўтказилаётган марафонда иштирок этдим. Мен каби ёшларнинг асосий мақсади марафонда голиб бўлиш эмас, саломатлигимиз учун ҳаракат қилишдир.

Марафон голиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

А.НАСИРЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чармпойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сонли қарорига асосан, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси «Ўзчармсановат» уюшмаси номи билан қайта ташкил этилганлигини маълум қилади.

«Ўзчармсановат» уюшмаси «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)


Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV



ХУРМАТЛИ
ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА»
банк жамоаси



Сизларни 9 май — Хотира ва қадрлаш кунни
байрами билан муборакбод этади!

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги
муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

«ЭҲТИРОМ»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ва 6 ой бўлиб,
ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугаганидан сўнг
берилади.

Мурожаат учун телефонлар:

«Асака» банк Бosh офиси (0371) 120-39-81, 120-39-60.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтириқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталарда 30дан ортиқ
турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш
жамғармаси томонидан кафолатланади.

«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗНИ САҚЛАНИШИ ВА
КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунни!

«Ипотека-банк» жамоаси

барча фахрийларимизга саломатлик ва
осойишталик тилайди.

Ҳаётингизнинг ҳар бир дақиқаси сизларга
қувонч, тинчлик ва бахтиёрлик
олиб келсин!



Imkoniyat yaratamiz

Хизматлар лицензияланган.

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538. 11339 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 19:30.

Topshirilgan vaqti — 01:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 C